

## Концепция

### **“Тиббиёт чиқиндиларининг экологик тоза бошқарувига” бағишланган Халқаро фотосуратлар танлови**

#### Танловнинг мақсади

- Визуал ва бадий воситалар ёрдамида тиббиёт чиқиндиларини бошқариш масаласида хабардорликни ошириш.
- Келажакда экологик тоза тиббиётга эришиш учун тиббиёт чиқиндиларини бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларни илгари суриш.

#### Мақсадли аудитория

- Профессинал ва ҳаваскор фотосуратчилар.
- Соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси ходимлари ҳамда ривожланаётган давлатлардаги аёллар ва ёшлар.

#### Ташкилотчилар ва ҳамкорлар

- **Ташкилотчи:** ГЭЖ томонидан молиялаштирилган ва БМТТД/ЖСТ/ЧСС томонидан Гана, Мадагаскар, Танзания ва Замбия давлатларида амалга оширилаётган “Африканинг соғлиқни сақлаш секторида барқарор органик ифлослантирувчи ташламалар ва симобнинг беихтиёр атроф-муҳитга чиқарилишини қисқартириш” лойиҳаси.
- **Ҳамкор:** Мадагаскар Республикасининг Атроф муҳит ва барқарор ривожланиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

#### Асосий саналар:

- |  |                              |
|--|------------------------------|
| • Фотосуратлар танловининг расмий эълони:          | 2019 йил 30 апрель           |
| • Иштирок этиш учун талабномаларни топшириш даври: | 2019 йил 30 апрель - 15 июль |
| • Халқаро ҳайъат аъзоларининг овоз бериши:         | 2019 йил 15 - 22 июль        |
| • Танлов ғолибларини эълон қилиниши:               | 2019 йил 3 июль              |

#### Танлов ўтказиш жойи:

- Женева шаҳрида [БРС конвенциялари бўйича томонлар конференцияси](#)<sup>1</sup> доирасида танловнинг расман эълон қилиниши.
- Танлов ҳақида батафсил маълумотларни танловнинг веб-саҳифасидан олишингиз мумкин: [www.GreenHealthCareWaste-Photos.org](http://www.GreenHealthCareWaste-Photos.org)

<sup>1</sup> Базель, Роттердам ва Стокгольм конвенциялари бўйича томонлар конференцияси Швейцариянинг Женева шаҳрида 2019 йил 29 апрель - 10 май кунлари бўлиб ўтди. Учрашувнинг мавзуси - «Тоза Ер сайёраси, хавфсиз ичимлик суви: кимёвий моддалар ва чиқиндиларнинг рационал бошқаруви». Бу тадбирда 180 га яқин давлатдан 1600 та иштирокчи иштирок этди.

**Фотосуратлар танлови категориялари:**

Фотосуратлар қуйидаги иккита категорияда қабул қилинади:

**1-категория: “Инсоният ва Ер сайёраси манфаати йўлида тиббиёт чиқиндилари бошқаруви”**

- Ушбу категорияда иккита ғолиб тақдирланади.
- Бундан ташқари қуйидаги махсус номинацияларда ижобий тасвирларни акс эттирган фотосуратлар учун қўшимча совринлар тақдим қилинади (ҳар бирига биттадан):
  - “Тиббиёт чиқиндиларини ёқишга муқобил бўлган ечимлар”
  - “Симобсиз соғлиқни сақлаш”
  - “Инфекцияларни яхшироқ олдини мақсадида тиббиёт чиқиндилари бошқаруви”
  - “Аёллар ва тиббиёт чиқиндилари”

**2-категория. “Мен келажакда хоҳлаётган экологик тоза тиббиёт”**

- Ушбу категорияда иккита ғолиб тақдирланади.

**Совринлар:**

- 8 та ғолибга \$400 га тенг ваучер/чек.
- 30 та энг зўр фотосуратлар муаллифларига сертификатлар.

**Саралаш жараёни:**

Фотосуратларни баҳолаш икки босқичда бўлиб ўтади:

**Биринчи босқич – дастлабки саралаш.** Агар қабул қилинган фотосуратларнинг умумий миқдори 30 тадан ошса, у ҳолда дастлабки саралаш ўтказилади. Иккинчи босқич учун 30 та гача (20 та фотосурат 1-категория доирасида ва 10 та фотосурат – 2-категория доирасида) фотосурат саралаб олинади.

**Иккинчи босқич – халқаро ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаш ва саралаш.** Турли давлатлардан таклиф этилган ташкилотчилар ва экспертлардан ташкил топган халқаро ҳайъат аъзолари танлов ғолибларини ҳар бир категорияда аниқлайдилар. Жами 4 та асосий (ҳар бир категорияда 2 тадан) ва махсус номинацияларда қўшимча 4 та ғолиб бўлади.